

Амал қилиш муддати	%
11.09.2020 — ...	14
15.04.2020 — 11.09.2020	15
25.09.2018 — 14.04.2020	16
28.06.2017 — 24.09.2018	14

Юқоридаги жадвалда асосий ставканинг ўзгариш динамикаси келтирилган.

Асосий ставка – бу Марказий банк томонидан ўрнатиладиган фоиз ставкаси бўлиб, унинг асосида Марказий банк тижорат банкларидан депозитларни қабул қилади ва тижорат банкларига кредитлар беради.

Асосий ставка Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Асосий ставка даражаси пул-кредит сиёсати шароитлари, жорий ва кутилаётган инфляция даражаси ҳамда макроиқтисодий ҳолатни инобатга олган ҳолда белгиланади. Одатда, агар инфляция даражаси кўтарилса, Марказий банк ҳам асосий ставкани кўтаради. Агар инфляция даражаси пасайса, бунда Марказий банк асосий ставкани пасайтиради.

Саволлар:

1. Асосий ставканинг даврий ўзгариши иқтисодиётга ва пул-кредит сиёсатига қандай таъсир кўрсатади?

2. Асосий ставка даражасининг инфляцион таргетлаш сиёсатидаги ўрни қандай? Марказий банк томонидан инфляцион таргетлаш сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишида аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмаларининг ўрни қандай?

3. Нега Марказий банк асосий ставка даражасини дарҳол 5 фоизга туширмайди?

4. Асосий ставканинг ўзгариши шахсан сизга қандай таъсир кўрсатади?